



**Ўзбекистон Республикаси**  
**«LOYIHA STRUKTURA»**  
маъсулъяти чекланган  
жамияти

**ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ХАЗОРАСП ТУМАН САНОАТ ҚИШЛОГИ  
ОТАЛИҚ МАХАЛЛАСИ БЮОК ИПАК ЙЎЛИ КЎЧАСИ  
АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИНИ 1.8 КМ ҚИСМИНИ ЖОРИЙ  
ТАЪМИРЛАШ ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИНИ ИШЛАБ ЧИКИШ**

**НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР  
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ**

Тошкент 2022 й

Ўзбекистон Республикаси  
«LOYIHA STRUKTURA»  
масъулияти чекланган жамияти

ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ  
ХАРАЖАТЛАР СМЕТАСИ

ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ,  
НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР  
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ

Директор

М. Матниёзов

ЛБМ

М. Матниёзов



Тошкент  
2022 й.

**ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ,  
НУҚСОНЛАР ҚАЙДНОМАСИ, ЧИЗМАЛАР  
ва СМЕТА ХУЖЖАТЛАРИ**

**МУНДАРИЖА**

| T/p | Хужжатлар номи  | Вараклар |
|-----|---|----------|
| 1   | Буюртмачининг-2022 йил даги сонли хати  |          |
| 2   | Тушинтириш ёзуви  |          |
| 3   | Смета хужжатлари  |          |
| 4   | Нуқсонлар қайдномаси  |          |
|     | <b>Чизмалар</b>   |          |
| 5   | Хоразм вилояти Хозарасп тумани Саноат қиўлоғи Оталиқ махалласи "Буюк ипак йўли " кўчасини трасса режаси |          |
| 6   | Лойихавий кўндаланг кесим   |          |
| 7   |   |          |

## ТУШУНТИРИШ ЁЗУВИ

Хоразм вилояти Хозарасп тумани Саноат қиўлоги Оталиқ махалласи "Буюк ипак йўли" кўчасини автомобиль йўлларининг 1.8 км қисмини жорий таъмирлаш харажатлар сметаси «Loyiha Struktura» маъсулияти чекланган жамияти томонидан "Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси" томонидан тасдиқланган трасса режаси, андозавий кўндаланг кесим ва нуқсонлар қайдномаси асосида ишлаб чиқилди.

Лойихаланаётган Саноат қиўлоги Оталиқ махалласи "Буюк ипак йўли" кўчалари автомобиль йўлларининг узунлиги 1.8 км бўлиб Хозарасп туманида жойлашган ва Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси томонидан фойдаланилади.

### Йўлнинг мавжуд холати.

1. "Буюк ипак йўли" кўчалари автомобиль йўлининг қопламаси а/бетон, қатнов қисмининг эни 7-8 метрни ташкил қиласи. Мавжуд йўллар узоқ йиллар давомида фойдаланиш натижасида жуда пасайиб кетган, бўйлама нишаблиги нотекс холатда.

### Лойихада кўзда тутилган иш турлари ва тадбирлар.

1. "Буюк ипак йўли" кўчалари мавжуд автомобиль йўллари қисмидаги нуқсонларни бартараф қилиш, автотранспорт воситаларининг хавфсиз харакатланишини таъминлаш ва автомобиль йўлининг ўтказа олиш қобилиятини ошириш мақсадида тупроқ йўллар учун лойихада қуйидагилар кўзда тутилди:

1. Йўл ёқасини қопламадан ва йўлнинг баланд қисмида ортиқча тупроқни қирқиб олиб автомобиль йўлларининг кўтармасини емирилган жойиларини тиклаш, кўтарма қуриш учун талаб қилинадиган тупроқ йўл қисмиларида етарли бўлмаганда тупроқ ташиб келинади ва автогрейдр ёрдамида текисланади.

2. Қатнов қисмини автогрейдр билан текислангандан сўнг йўл пойини бир издан 4 марта ўтиш билан каток ёрдамида сув сепиб зичлаш.

3. Йўл пойини айрим қисмларини мавжуд эни бўйича айрим қисмларни кенгайтириб чақилган тошдан  $h_{yp}=15$  см қалинликда йўл асосини қуриш ва а/бетон дан йўл 5 см қалинликда йўл қопламасини ётқизиш.

4. Автомобиль йўлларини кесиб ўтувчи сув қувурлари ёроқсиз ёки йўл пойига нисбатин кичик бўлганда шу қисмларда янги сув қувурларини ўрнатиш назарда тутилди.

Лойихаланаётган йўл бўлагида йўл ёқасини нотекисликларни бартараф қилиш ва холатини яхшилаш мақсадида қуйидагилар кўзда тутилди.

5. Йўл ёқасини қопламадан баланд қисмида ортиқча тупроқни қирқиб олиб автомобиль йўлининг кўтармасини емирилган жойиларини тиклаш учун ишлатилади.

6. Йўл ёқасини холатини яхшилаш учун текислаш.

Иш хажмларини хисоблашда "Хозарасп туман ободонлаштириш бошқармаси" вакили, Оталиқ махалласи вакили, «Loyiha Struktura» маъсулияти чекланган жамияти вакиллари билан биргаликда визуал текшириш ва инструментал ўлчовлар натижасида тузилган нуқсонлар қайдномаси асос қилиб олинди.

### Таъмирлаш ишларини ташкил этиш

Ишни ташкил қилишда қуйидаги меъёрий хужжатларга асосланиш зарур:

1. ШНК 2.05.02-07 Автомобил йўллари.
2. ШНК 3.01.01-03 Организация строительного производства
3. Руководство по строительству дорожных асфальтобетонных покрытий

ЛБМ

М. Матниёзов



## O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

2022 yil « 2 » fevral

№ 49

Toshkent sh.

### Автомобиль йўллари соҳасида очиқлик стандартларини жорий этиш ва соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш соҳасида мутлақо янги очиқлик стандартларини жорий этиш ва шаффоффикни таъминлаш ҳамда соҳада жамоатчилик назоратини кучайтириш мақсадида Вазирлар Махкамаси қарор қиласди:

1. Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитаси (кейинги ўринларда – Автомобиль йўллари қўмитаси) томонидан автомобиль йўллари соҳасида шаффоффик ва жамоатчилик олдидаги ҳисобдорлик стандартларини жорий қилиш бўйича “Shaffof yo'l” онлайн ахборот платформаси (кейинги ўринларда – “Shaffof yo'l” платформаси) ишлаб чиқилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Автомобиль йўллари қўмитаси, Молия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда автомобиль йўллари соҳасига тегишли маълумотлар базасини ўз ичига олган “Shaffof yo'l” платформасини 2022 йил 1 июлдан бошлаб тест режимида ишга туширсин.

3. “Shaffof yo'l” онлайн ахборот платформасида автомобиль йўллари соҳасида очиқ ахборотлар шаклида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар рўйхати 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Белгилансинки:

а) қуйидагилар:

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва сақлаш ишлари учун йўналтирилаётган маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотлар – **Молия вазирлиги** томонидан;

автомобиль йўлларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш объектларида олиб борилаётган йўл қурилиш ишлари ҳақидаги, шу жумладан, умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари билан боғлиқ маълумотлар – **Автомобиль йўллари қўмитаси** томонидан;

**маҳаллий ҳокимликлар буюртмачилигидаги ички хўжалик йўллари, шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктларидағи кўчалар тўғрисидаги маълумотлар – Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари томонидан шакллантирилади ҳамда “Shaffof yo’l” платформасига киритилади;**

б) “Shaffof yo’l” платформасининг алоҳида саҳифаси орқали аҳолининг йўллар носозлиги, шунингдек, йўлларда ва йўл бўйида хавфсиз ҳаракатланиш учун юзага келган фавқулодда техник муаммолар (светофорлар ва йўл белгилар ўрнатилмаганлиги ёки уларнинг шикастланганлиги, табиий оғатлар натижасида юзага келадиган ҳодисалар ортидан ҳосил бўладиган оқибатлар) ҳақида фото- ва видеомурожаатлар – жамоатчилик фикри асосида шакллантирилади;

в) “Shaffof yo’l” платформасида жойлаштириладиган маълумотлар базаси Автомобиль йўллари қўмитаси расмий веб-сайти ҳамда манфаатдор вазирлик ва идораларга тегишли маълумотлар базалари билан интеграциялашган ҳолда юритилади.

##### **5. Автомобиль йўллари қўмитаси:**

Давлат солиқ қўмитаси хузуридаги Кадастр агентлиги билан биргаликда илгор хорижий тажрибага асосланган ҳолда 2022 йил 1 майга қадар автомобиль йўлларини куриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш обьектларининг интерактив онлайн харитаси-схемасини (кейинги ўринда – харита) ишлаб чиқсин ва “Shaffof yo’l” платформасига жойлаштирусин;

2023 йилдан бошлаб ва кейинчалик ҳар йили Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, туман (шаҳар) ҳокимликлари билан биргаликда кейинги йилда қурилиши, реконструкция қилиниши, таъмирланиши назарда тутилган барча тоифадаги йўл участкаларини харитага жойлаштириш амалиётини йўлга кўйсин.

Бунда, харитадаги ҳар бир обьект бўйича техник-паспорт, фото-видео материаллар юритилиши ва акс эттирилиши инобатга олинсин.

6. Молия вазирлигининг “Очиқ бюджет” ахборот портали (кейинги ўринларда – “Очиқ бюджет” портали) орқали туман (шаҳар)лар бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида шаклланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

7. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларини таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

8. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Молия вазирлиги Коракалпогистон Республикаси Вазирлар

Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Автомобиль йўллари қўмитаси билан биргаликда **2022 йил 1 марта** қадар:

ички хўжалик йўлларининг жойлашган манзили (геопозицияси), тўлиқ номи, узунлиги, ҳолати (асфальтланган, таъмирталаб) ва бошқа маълумотларни ўз ичига олган **Ички хўжалик йўллари реестрини шакллантирсинг**;

**Ички хўжалик йўллари реестиридан** геомаълумот асосида фуқаролар томонидан тегишли худуддаги ички хўжалик йўлини танлаш орқали ўз таклифини қолдириш имкониятини яратсин;

“Очиқ бюджет” порталининг “Shaffof уо’л” платформаси билан интеграция қилинишини ҳамда “Очиқ бюджет” порталининг мобиъ иловаси ишга туширилишини таъминласин.

Бунда, фуқаролар томонидан ички хўжалик йўлларини реал вақтдаги жойлашган жойи (геолокация) асосида қайд этиш орқали ички хўжалик йўллари тўғрисида хабар бериш имконияти назарда тутилсин.

9. Транспорт вазирлиги Молия вазирлиги, Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда “Shaffof уо’л” платформаси ишини тест режимида ташкил этиш натижасида юзага келган муаммо ва мавжуд камчиликларни бартараф этсин, заруратга кўра, платформани такомиллаштиришни назарда тутувчи норматив-хукуқий ҳужжат лойиҳасини белгиланган тартибда ишлаб чиқсин ҳамда **2023 йил 1 январдан** бошлаб “Shaffof уо’л” платформаси тўлиқ ишга туширилишини таъминласин.

10. Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда ўzlари қабул қилган норматив-хукуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинг.

11. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси Транспорт вазирлиги билан биргаликда ушбу қарор мақсади ва вазифалари оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини таъминласин.

12. Автомобиль йўллари қўмитаси Қоракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда **бир ой муддатда** ички хўжалик йўлларни цемент-бетон қопламага ўtkazган ҳолда таъмирлашда:

цемент-бетон қопламали йўлларни куришга ихтисослашган тажрибали корхоналар фаолиятини ўрганиш асосида уларнинг технологияларини татбиқ этиш ва маҳсус ускуналарни харид қилиш;

йирик цемент-бетон ишлаб чиқарувчи корхоналар билан кооперацион алоқаларни ўрнатиш орқали йўлларни таъмирлаш таннархини туширишни таъминловчи тадбирлар амалга оширилишини назарда тутувчи “йўл хариталари”ни ишлаб чиқсин.

13. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари А.Ж. Раматов ва Ўзбекистон Республикаси транспорт вазири И.Р. Махкамов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири

А. Арипов



Вазирлар Махкамасининг  
2022 йил “2” №еврәдаги 49 -сон қарорига  
1-илюва

**“Shaffof yo'l” ойлайи ахборот платформасида автомобиль йўллари соҳасида очик ахборотлар  
шаклида жойлаштирилиши лозим бўлган маълумотлар  
РЎЙХАТИ**

| Т/Р | Маълумот тури   | Тақдим этиши ва янгилаш муддати | Жойлаштириш учун масбул вазирлик ва идоралар  |
|-----|---|---------------------------------|---|
| 1   | Молия вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш максадли жамгармасига хамда Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Ташкент шахар хокимликлари молия бош бошкармалари хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш худудий максадли жамгармаларига Республика бюджетидан хар йили ажратиладиган маъсадли маблағлар. | Реал вакт режимида              | Молия вазирлиги   |
| 2   | Автомобиль йўллари соҳасига ажратиладиган ҳалкаро молия институтлари маблағлари.  | Реал вакт режимида              | Молия вазирлиги   |
| 3   | Автомобиль йўллари соҳаси учун Ўзбекистон Республикасининг Тикланиш ва тарқиёт жамгармаси ажратмалари.  | Реал вакт режимида              | Молия вазирлиги,<br>Тикланиш ва тарқиёт жамгармаси  |
| 4   | Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларида жорий таъмириш ва сакланиш ишларини молиялаштириш учун хар йили ажратиладиган маъсадли маблағтар.  | Хар чоракда                     | Молия вазирлиги,<br>Автомобиль йўллари кўмитаси   |
| 5   | Ички хўжалик йўллари ва шахарлар, бопка аҳоли пунктлари кўчалари учун маҳаллий вакиличик хокимияти органлари томонидан жорий этиладиган йигимлардан тушумлар.   | Хар чоракда                     | Коракалпогистон Республикаси<br>Вазирлар Кенгани, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари |
| 6   | Автомобиль йўллари ва кўчалар бўйлаб автомобиль саклаш жойларидан фойдаланганлик учун тўловлардан келиб тушадиган маблағлар.  | Хар чоракда                     | Коракалпогистон Республикаси<br>Вазирлар Кенгани, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари |

| Т/р | Маълумот тuri   | Такдим этиши ва янгилаш муддати |             | Жойлаштириш учун масъул вазирлик ва идоралар  |
|-----|---|---------------------------------|-------------|---|
|     |   | Хар чоракда                     | Хар чоракда |   |
| 7   | Транспорт воситаларини техник кўриклан ўтказиш учун йигимнинг базавий ставасига кўшимча коэффициентларни кўллашдан тушадиган маблаглар.   | Хар чоракда                     | Хар чоракда | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари                              |
| 8   | Коракалпогистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари молия боли бомкармалари хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш худудий максади жамғармаларига Молия вазирлиги хузуридаги Автомобиль йўлларини ривожлантириш максади жамғармасидан амалга ошириладиган трансферлар.         | Хар чоракда                     | Хар чоракда | Молия вазирлиги, Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари             |
| 9   | Умумий фойдаланишдаги автомобил йўл бўйида жойлашган ер участкаларида ташки реклама обьектлари (конструкциялари) куриш учун электрон аукционлар якунлари бўйича хукук тақдим этишиндан тушадиган маблаглар, шунингдек, ташки рекламанинг ўрнатилган обьектлари (конструкциялари) учун ойлик гўловлар.                   | Хар чоракда                     | Хар чоракда | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари, Автомобиль йўллари кўмитаси |
| 10  | Умумий фойдаланишдаги автомобил йўлларининг йўл бўйида жойлашган ер участкаларида ишлаб чиқариш, хизматлар кўрсатни, савдо, сервис обьектлари, шунингдек, тадбиркорлик фаолиятининг босика обьектларини жойлаштириш ва куриш учун мазкур ер участкаларидан фойдаланиш хукукини реализация килишдан тушадиган маблаглар. | Хар чоракда                     | Хар чоракда | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари                              |
| 11  | Автомобиль йўлларини куриш, реконструкция килиш ва таъмирлаш обьектларида олиб борилаётган йўл курилиш ишлари хамда обьектлар бўйича белгиланган тартибида гендер савдолари ўтказиш натижалари хакида маълумотлар   | Доимий                          | Доимий      | Автомобиль йўллари кўмитаси   |
| 12  | Вилоят, шахар ва гуманлар кесимида тегислилиги бўйича, обьектларда амалга оширилаётган ишлар тўғрисидаги маълумотлар (йулларни лойихалаш, куриш, таъмирлаш ва сақлан ишлари харажатлар сметаси).  | Хар чоракда                     | Хар чоракда | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шахар хокимликлари                              |

| Т/Р | Маълумот тури   | Тақдим этиш ва янгилаш муддати | Жойлаштириш учун маъсул вазирлик ва идоралар   |
|-----|---|--------------------------------|--|
| 13  | Сув хўжалиги вазирлиги тизимидали идоравий йўллар ва кўприкстар холати, уларни куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва сакланниши тўғрисида маълумотлар.   | Хар чоракда                    | Сув хўжалиги вазирлиги   |
| 14  | Сув хўжалиги вазирлиги тизимидали идоравий йўллар ва кўприкстар холати, уларни куриш, реконструкция килиш, таъмирлаш ва сакланниши тўғрисида маълумотлар.   | Хар чоракда                    | Сув хўжалиги вазирлиги   |
| 15  | Норматив-хукукий хужжаглар билан тасдиқланган автомобиль йўллари соҳасини ривожлантиришга оид “йўл хариталари”, давлат ва инвестиция дастурлари изжорси бўйича маълумотлар.   | Реал вакт режимида             | Транспорт вазирлиги, Автомобиль йўллари кўмитаси   |
| 16  | Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан касищ, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиклар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатномалар тўғрисида маълумотлар.  | Реал вакт режимида             | Коракалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгалини, вилоятлар ва Ташкент шаҳар хокимликлари |
| 17  | Автомобиль йўлларини, шу жумладан, ички хўжалик йўллари ва шаҳарлар, бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини ўзбошимчалик билан касищ, уларда сунъий нотекисликлар ва тўсиклар яратиш, автомобиль йўлида ишларни амалга ошириш учун берилган рухсатнома талабларни бажармаслик, шунингдек, йўлларни сакланниши бузип холатлари бўйича маълумотлар. | Реал вакт режимида             | Транспорт вазирлиги хузуридаги Йўл курилиши ишлари сифатини назорат килиш инспекцияси    |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2022 йил “2” февралдаги 49 -сон қарорига  
2-илова

**Туман (шахар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисида**

**НИЗОМ**

**1-боб. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом туман (шахар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда куйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

**ички хўжалик йўллар реестри** – республика бўйича барча шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, хўжалик автомобил йўлларини (кейинги ўринларда – ички йўллар) тўлиқ рўйхатини ўз ичига олган маълумотлар базаси;

**ўртacha нарҳ** – бир квадрат метрлик ички йўлни таъмирлаш учун талаб этиладиган харажатларнинг ўртача қиймати.

3. Туман (шахар) маҳаллий бюджети параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи “Очиқ бюджет” ахборот портали (кейинги ўринларда – ахборот портали) орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида аниқланган ички йўлларни таъмирлаш тадбирларини молиялаштиришга йўналтирилади.

4. Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ҳар йили 15 декабрь санасига қадар ҳисобот йили давомида амалга оширилган ички йўлларни таъмирлаш учун сарфланган маблағлар асосида ўртача нарҳ шакллантирилади ва ахборот порталига киритилади.

5. Ҳар бир туман (шахар)да туман (шахар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар микдори ҳамда худудлар бўйича аниқланган ўртача нарҳ туман (шахар) ҳокимликлари томонидан ахборот порталида эълон қилинади.

6. Ахборот портали автоматик равишда ўртача нарҳ ва туман (шахар) маҳаллий бюджети параметрларидан келиб чиқиб, ҳар бир туман (шахар) бўйича таъмирланадиган ички йўлларнинг умумий ҳажмини аниқлайди.

**2-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашга доир таклифларни шакллантириш тартиби**

7. Ички йўлларини таъмирлашга доир таклифлар ахборот портали орқали кенг жамоатчилик ва бевосита фуқаролар томонидан билдирилган фикрлар асосида шакллантирилади.

8. Жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашда таклифларни қабул қилиб олиш ҳар йили 10 январга қадар, билдирилган таклифлар орасидан ғолиб таклифларни овоз бериш йўли билан аниқлаб олиш жорий йилнинг 31 январга қадар амалга оширилади.

9. Ахборот портали орқали таклифларни юбориш ҳамда овоз бериш жараённида вояга етган фуқаролар иштирок этишлари мумкин.

10. Жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлаш учун туман (шаҳар) маҳаллий бюджети маблағларини йўналтириш ушбу Низомга иловада келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

11. Фуқаролар ҳар йили ички йўлларни таъмирлашга доир фақат битта таклифни киритиши ҳамда битта таклифга овоз бериши мумкин. Фуқаролар ўзлари томонидан киритилган таклифга овоз бериши тақиқланади.

12. Ички йўлларни таъмирлашга доир таклифлар киритиш фуқаролар томонидан ахборот порталида тақдим этилган Ички йўллар реестридаги тегишли ички йўллардан бирини танлаш орқали амалга оширилади.

13. Ахборот портали орқали таклиф киритиш бевосита порталда рўйхатдан ўтиш орқали амалга оширилади.

14. Фуқаролар томонидан танланган ички йўллар ахборот порталида автоматик равишда таклиф сифатида шаклланади ва бошқа фуқароларнинг овоз бериши учун имконият яратилади.

15. Ҳар бир туман ва шаҳарларда билдирилган таклифлар бўйича берилилган энг кўп овозлар сонидан келиб чиқиб, юқоридан пастга қараб сараланади.

16. Ғолиб таклифлар туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш қийматини ҳисобга олган ҳолда автоматик тарзда кетма-кетлик бўйича аниқланади.

17. Агар кетма-кетлик бўйича ғолиб деб топилган таклифларнинг амалга ошириш қиймати тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлашга ажратилган маблағларнинг 50 фоизидан кам бўлса, тегишли туман (шаҳар) маҳаллий бюджети параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлашга ажратилган

маблағлар қийматидан ортиқ бўлмаган кетма-кетлик бўйича навбатдаги таклиф ҳолиб деб топилади.

18. Ҳар бир ғолиб деб топилган таклиф учун алоҳида газна ҳисобвараги очилади ва тегишли маблағлар ўтказиб берилади.

19. Голиб деб топилган таклифлар учун ажратиладиган маблағларнинг қиймати ҳисоб-китобига лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилади. Бунда, лойиҳа-смета ҳужжатлари асосида аниқлик киритилган қиймат ғолиб деб топилган таклиф дастлабки қийматининг 5 фоизидан ошиб кетишига йўл қўйилмайди. Аниқлик киритилган лойиҳа-смета ҳужжатларига асосан таклифни амалга ошириш қиймати дастлабки таклиф қийматининг 5 фоиздан ошиб кетган ҳолларда лойиҳа-смета ҳужжатлари қайта кўриб чиқилади.

20. Агар ғолиб деб топилган таклифда кўрсатилган ички йўлларни таъмирлаш жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ҳукуматнинг тегишли қарорлари ёки ривожлантириш дастурлари доирасида бошқа манбалар ҳисобидан таъмирланиши назарда тутилган бўлса, ахборот порталига Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги молия бош бошқармалари томонидан ушбу таклифни бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилиши учун асос бўлувчи ҳужжатлар юкланади ҳамда ушбу таклиф автоматик равишда ахборот порталидаги ғолиблар рўйхатидан чиқаради.

Бундай ҳолларда ахборот порталида кетма-кетлик бўйича ғолиблар рўйхатини қайта шакллантирилади.

21. Голиб деб топилган таклифлар Ички йўллар реестрида қайд этиб борилиб, келгуси уч йил давомида қайта таклиф бериш имконияти берилмайди.

22. Голиб деб топилган таклифлар бўйича лойиҳа-смета ҳужжатлари ушбу таклифларни илгари сурган фуқаролар жалб қилинган ҳолда ишлаб чиқилади, фуқаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

### **3-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашни молиялаштириш тартиби**

23. Голиб деб топилган таклифлар бўйича ички йўлларни лойиҳалаштириш, таъмирлашда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари буюртмачи вазифасини бажаради.

24. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлар тегишли тартибда туман (шаҳар) молия бўлимлари томонидан туман ва шаҳар

ободонлаштириш бошқармалари томонидан ички йўлларни таъмирлашга масъул ваколатли органга ўтказиб берилади.

**4-боб. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида ички йўлларни таъмирлашни молиялаштириш бўйича хисобдорлик**

25. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан самарали фойдаланишни таъминлаш ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш мақсадида ғолиб деб топилган таклифларни молиялаштириш учун очилган газна хисобвараклар ахборот порталига бириткирилади ва фойдаланувчиларга ажратилган маблағлар ва уларнинг сарфланиши юзасидан реал вакт шароитида маълумотлар билан танишиб бориши имконияти яратилади.

26. Ахборот портали орқали билдирилган жамоатчилик фикри асосида таъмирланган ички йўллarda амалга оширилган ишлар юзасидан туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармалари томонидан мажбурий равища кўргазма планшетлари ўрнатилади.

Планшетларда ахборот портали орқали тегишли ички йўлни таъмирлашга доир келиб тушган таклифга йўналтирувчи “QR” штрих-код билан тасвирланган веб-манзил акс эттирилади.

27. Ахборот портали орқали жамоатчилик назоратини ўрнатиш ва маблағлардан самарали фойдаланилишини таъминлаш мақсадида жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш босқичлари бўйича ташаббускорлар қуидаги ҳолларда СМС-хизмати орқали хабардор этиб борилади:

таклиф ғолиб деб топилганда;

ғолиб деб топилган таклифни молиялаштириш учун маблағ хисобваракка келиб тушганда;

ғолиб деб топилган таклифни амалга ошириш мақсадида шартнома имзоланганда (пудрат ташкилоти номи, шартнома суммаси ва давлат харидлари порталидаги махсус рақами);

молиялаштириш учун ажратилган маблағлар хисобидан харажатлар амалга оширилганда (қайси ташкилотга маблағ ўтказилганлиги, маблағ миқдори ва тўлов мақсади).

28. Ғолиб деб топилган таклифлар асосида манзилли рўйхатга киритилган ички йўллари бўйича лойиха хужжатларини, ишлар рўйхатини тасдиқланиши тўғрилигини, бюджет маблағларини мақсадли сарфланганлиги, тасдиқланган лойиха хужжатлари асосида олиб борилаётган таъмирлаш ишлари ҳажми ва сифати устидан жамоатчилик назорат ўрнатиш мақсадида ушбу таклифларни илгари сурган фукаролар жалб қилинади фукаролар томонидан иштирок этиш рад этилган ҳолатлар бундан мустасно.

Бунда, ахборот порталида ҳар бир лойиҳалар бўйича жамоатчилик назорати натижалари жойлаштирилади ва ҳар бир таклиф ва эътиrozларга маҳаллий органлар ва буюртмачилар томонидан асослантирилган жавоблар қолдирилади.”

#### **5-боб. Яқуиловчи қоидалар**

29. Ушбу Низомга асосан ички йўлларни таъмирлаш тадбирлари учун ажратилган маблагларнинг мақсадли сарфланиши, кейинчалик ушбу йўллардан фойдаланиш бўйича ички йўлларни таъмирлаш учун масъул ваколатли орган шахсан жавобгар ҳисобланади.

30. Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида ҳудудий ички йўлларни таъмирлаш учун ажратилган маблағлардан белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши устидан назорат Молия вазирлиги Давлат молиявий назорати департаменти ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан амалга оширилади.

31. Ушбу Низомга мувофиқ таъмирланган йўлларнинг давлат стандартларига мувофиқ эканлиги ва техник талабларга мослиги устидан доимий назорат Йўл-курилиш ишлари сифатини назорат қилиш инспекцияси томонидан амалга оширилади.

32. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик хужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

Туман (шаҳар)лар маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларни жамоатчилик фикри асосида аниқланган ичик хўжалик йўлларни таъмирлашга йўналтириш тартиби тўғрисида низомга илова

**Жамоатчилик фикри асосида ички хўжалик йўлларни таъмирлаш учун туман (шаҳар) бюджети маблағларини йўналтириш СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар  | Тадбирлар   | Муддатлар  |
|-----------|---|---|--|
| 1-босқич  | Туман (шаҳар)<br>хокимликлари                     | 1. Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағлар микдори ҳамда худудлар бўйича аниқланган ўртача нарх суммаси ахборот порталида эълон қилинади.<br><br>2. Расмий веб-сайтлар, худудий ОАВ орқали таклиф билдириш жараёни бошланиши ҳақида эълон беради. | Хар йили<br>15 декабрга қадар<br><br>Хар йили<br>15 декабрга қадар |
| 2-босқич  | Ташаббускор<br>фуқаролар                          | Фуқаролар томонидан Ички хўжалик йўлларини таъмирлаш юзасидан “Очиқ бюджет” ахборот порталида тақдим этилган Ички хўжалик йўллари реестридан тегишли ички хўжалик йўлларидан бирини танлаш орқали таклиф қолдирилади.   | Хар йили январь ойининг 10 санасига қадар                          |
| 3-босқич  | Овоз бериш<br>истагини<br>билдирувчи<br>фуқаролар | Билдирилган таклифлар орасидан таклифларга овоз беради.   | Молия йилининг<br>10-31 январь<br>кунлари давомида                 |
| 4-босқич  | “Очиқ<br>бюджет”<br>ахборот<br>портали            | Туман (шаҳар) маҳаллий бюджетлари параметрларида худудий ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун ажратилган маблағларнинг камида 50 фоизи доирасида таклифларни амалга ошириш кийматини хисобга олган ҳолда   | Февраль ойида  |

|          |   |   |                                     |
|----------|---|---|-------------------------------------|
| 5-босқич | Туман (шахар) молия бўлимлари             | автоматик равища кетма-кетлик бўйича ғолиб таклифлар аниқланади.<br>Хар бир ғолиб деб топилган таклиф учун алоҳида ғазна ҳисобвараги очилади ва тегишли маблағлар ўтказиб берилади. | Апрель ойида                        |
| 6-босқич | Туман (шахар) ободонлаштириш бошқармалари | Ғолиб деб топилган таклифлар учун ажратиладиган маблағларнинг қиймати ҳисоб-китобига лойиха-смета хужжатлари асосида аниқлик киритилади.  | Апрель ойида                        |
| 7-босқич | Ободонлаштириш бошқармалари               | Ажратилган маблағлар доирасида ички хўжалик йўлларини таъмирлаш учун пудратчи ташкилот билан шартномалар расмийлаштирилиб, ишлар бажарилади.  | Йил давомида                        |
| 8-босқич | Туман (шахар) ободонлаштириш бошқармалари | Таъмирланган йўлларга маҳсус “QR” штрих-код туширилган кўргазма планшетлар ўрнатилади.  | Таъмирлаш ишлари якунлангандан сўнг |



"УТВЕРЖДАЮ"

Начальник управлений по благоустройству  
р-на Азатыр



**РЕКОМЕНДУЕМЫЕ СРЕДНИЕ ЦЕНЫ НА ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧИХ СТРОИТЕЛЕЙ, МАШИН МЕХАНИЗМОВ,  
МАТЕРИАЛЬНЫЕ И ПРОЧИЕ ЗАТРАТЫ ПОДРЯДЧИКА ПО КАПИТАЛЬНОМУ И ТЕКУЩЕМУ РЕМОНТУ ОБЪЕКТОВ  
УПРАВЛЕНИЕ ПО БЛАГОУСТРОЙСТВУ РАЙОНА АЗАРЫ**

01.06.2020 г.

| №                                      | Наименование машин-механизмов, оборудования и автотранспорта | Ед. изм | Рекомендуемые цены (БЕЗ НДС) | Примечание   |
|--|--|---------|------------------------------|--|
| 1                                      | 2  | 3       |                              | 6  |
| 1                                      | Затраты труда рабочих-строителей                             | чел-ч   | 16 803,83                    | Каталог З кв 2021 г                                      |
| 2                                      | Прочие затраты подрядчика                                    | %       |                              |  |
| <b>СТРОИТЕЛЬНЫЕ МАШИНЫ И МЕХАНИЗМЫ</b> |  |         |                              |  |
| 3                                      | Автогрейдер GR-165   | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 4                                      | Автогрейдер GR-165   | маш/ч   |                              | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 5                                      | Автогрейдер GR-165   | маш/ч   |                              | Янгилик ТИФУК Экс Зак №162/1-2020 от 26.02.2020г         |
| 6                                      | Автогрейдер GR-180   | маш/ч   |                              | Богот ТИФУК Экс Зак №117/1-2020 от 14.02.2020г           |
| 7                                      | Автогрейдер XMGA-180C  | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №498/1-2020 от 15.06.2020г |
| 8                                      | Автогрейдер АГ-180   | маш/ч   |                              | Гурлан ТИФУК Экс Зак №531/1-2020 от 26.06.2020г          |
| 9                                      | Автогрейдер АГ-180   | маш/ч   | 228 741,60                   | Янгибозор ТИФУК Экс Зак №339/1-2020 от 26.03.2020г       |
| 10                                     | Автогрейдер Д3-99  | маш/ч   | 134 471,50                   | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 11                                     | Автогрейдер Д3-122   | маш/ч   |                              | Хива ТИФУК Экс Зак №307/1-2020 от 17.03.2020г            |
| 12                                     | Автогрейдер Д3-122   | маш/ч   |                              | Хонка ТИФУК Экс Зак №112/1-2020 от 13.02.2020г           |
| 13                                     | Автогрейдер ДК-165   | маш/ч   |                              | Гурлан ТИФУК Экс Зак №531/1-2020 от 26.06.2020г          |
| 14                                     | Каток XD82 (8тн)   | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 15                                     | Каток XS 143J (14тн)   | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 16                                     | Каток XMR 303S (3тн)   | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 17                                     | Одновальцовочный выбракатор XS123H (12,5тн)                  | маш/ч   | 241 951,30                   | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 18                                     | Каток двухвальцовочный XD82 (8тн)                            | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №345/1-2020 от 26.03.2020г |
| 19                                     | Каток XD81C (8тн)  | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №498/1-2020 от 15.06.2020г |
| 20                                     | Каток XP 163 (6тн)   | маш/ч   |                              | Хива ТИФУК Экс Зак №307/1-2020 от 17.03.2020г            |
| 21                                     | Каток двухвальцовочный XMR303S (3,5тн)                       | маш/ч   |                              | Урганч ТИФУК Экс Зак №5/1-2020 от 08.01.2020г            |
| 22                                     | Каток дор. выбрац. HAMM HD70 (8тн)                           | маш/ч   | 202 809,40                   | Богот ТИФУК Экс Зак №117/1-2020 от 14.02.2020г           |
| 23                                     | Виброкаток XD81E XUGO0822PHJE02783 (8тн)                     | маш/ч   |                              | Янгилик ТИФУК Экс Зак №162/1-2020 от 26.02.2020г         |
| 24                                     | Пневмоколесный дорожный каток ХР163 16тн                     | маш/ч   | 167 528,90                   | Янгилик ТИФУК Экс Зак №162/1-2020 от 26.02.2020г         |
| 25                                     | Виброкаток XD81F (8тн)                                       | маш/ч   |                              | Хонка ТИФУК Экс Зак №112/1-2020 от 13.02.2020г           |
| 26                                     | Каток XD81E (8тн)  | маш/ч   |                              | Янгибозор ГИФУК Экс Зак №339/1-2020 от 26.03.2020г       |
| 27                                     | Каток 13 т (прицепной)                                       | маш/ч   |                              | Янгибозор ГИФУК Экс Зак №339/1-2020 от 26.03.2020г       |
| 28                                     | Асфальтоукладчик RP603L                                      | маш/ч   | 343 809,00                   | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 29                                     | Асфальтоукладчик ВУ-1804                                     | маш/ч   |                              | Хива ТИФУК Экс Зак №307/1-2020 от 17.03.2020г            |
| 30                                     | Асфальтоукладчик RP 903                                      | маш/ч   |                              | Урганч ТИФУК Экс Зак №5/1-2020 от 08.01.2020г            |
| 31                                     | Асфальтоукладчик RP 603                                      | маш/ч   |                              | Богот ТИФУК Экс Зак №117/1-2020 от 14.02.2020г           |
| 32                                     | Асфальтоукладчик SINOWAY SWAP 4,5M                           | маш/ч   |                              | Янгибозор ТИФУК Экс Зак №339/1-2020 от 26.03.2020г       |
| 33                                     | Дорожная фреза ХМ 1003                                       | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 34                                     | Дорожная фреза ХМ 503  | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 35                                     | Дорожная фреза ХМ 503 с резцом                               | маш/ч   | 256 984,70                   | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 36                                     | Дорожная фреза (2м)  | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №345/1-2020 от 26.03.2020г |
| 37                                     | Дорожная фреза ХМ 503  | маш/ч   |                              | Хива ТИФУК Экс Зак №307/1-2020 от 17.03.2020г            |
| 38                                     | Дорожная фреза (0,5м)  | маш/ч   |                              | Хонка ТИФУК Экс Зак №112/1-2020 от 13.02.2020г           |
| 39                                     | А/м зил -431610 бортовая                                     | маш/ч   | 81 524,10                    | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 40                                     | А/м ISUZU NOR 71PL бортовая                                  | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №345/1-2020 от 26.03.2020г |
| 41                                     | А/м ISUZU NOR 71PL бортовая                                  | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №498/1-2020 от 15.06.2020г |
| 42                                     | Зил -130 бортовая  | маш/ч   |                              | Хива ТИФУК Экс Зак №307/1-2020 от 17.03.2020г            |
| 43                                     | А/м ЗИЛ-130 бортовая   | маш/ч   |                              | Хонка ТИФУК Экс Зак №112/1-2020 от 13.02.2020г           |
| 44                                     | Автомашина ГАЗ-53  | маш/ч   |                              | Янгибозор ТИФУК Экс Зак №339/1-2020 от 26.03.2020г       |
| 45                                     | Грузовая а/м ISUZU NQR71 PL_бортовая                         | маш/ч   |                              | Урганч ТИФУК Экс Зак №5/1-2020 от 08.01.2020г            |
| 46                                     | Автосцетерна - автогидрантор ISUZU FVR                       | маш/ч   | 142 654,00                   | Шовот ТИФУК Экс Зак №308/1-2020 от 17.03.2020г           |
| 47                                     | Автогидрантор емк. 8,0м3                                     | маш/ч   |                              | Богот ТИФУК Экс Зак №117/1-2020 от 14.02.2020г           |
| 48                                     | Поливомоечная машина MAN CLA 18 280                          | маш/ч   |                              | Гурлан ТИФУК Экс Зак №531/1-2020 от 26.06.2020г          |
| 49                                     | Поливомоечная машина ISUZU ПМ-8                              | маш/ч   |                              | Янгилик ТИФУК Экс Зак №162/1-2020 от 26.02.2020г         |
| 50                                     | КДМ MAN CLA (поливомоечная машина)                           | маш/ч   |                              | Хонка ТИФУК Экс Зак №112/1-2020 от 13.02.2020г           |
| 51                                     | Водовоз ISUZU ПМ-8   | маш/ч   |                              | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 52                                     | Автокран KC-4574 M ISUZU 16тн                                | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №345/1-2020 от 26.03.2020г |
| 53                                     | Автокран Фотон KC-55734                                      | маш/ч   |                              | Хоразмийлиндустрия УК Экс Зак №498/1-2020 от 15.06.2020г |
| 54                                     | Автокран KC-4574 M ISUZU FVR33 GLD 16тн                      | маш/ч   | 166 599,40                   | Урганч ТИФУК Экс Зак №5/1-2020 от 08.01.2020г            |
| 55                                     | Автокран KC-55724 (6x4) 25тн                                 | маш/ч   | 190 983,00                   | Урганч ТИФУК Экс Зак №5/1-2020 от 08.01.2020г            |
| 56                                     | Автокран MAZ-5334 KC-3571                                    | маш/ч   |                              | Богот ТИФУК Экс Зак №117/1-2020 от 14.02.2020г           |
| 57                                     | Автокран ЗИЛ-130   | маш/ч   |                              | Гурлан ТИФУК Экс Зак №531/1-2020 от 26.06.2020г          |
| 58                                     | Автокран SAZ-NP37 50тн                                       | маш/ч   | 290 641,60                   | Хоразм ИМФУК Экс Зак №194/1-2020 от 03.03.2020г          |
| 59                                     | Лавикок KIPOR KDE700 EW                                      | маш/ч   | 28 241,00                    | Гурлан ТИФУК Экс Зак №531/1-2020 от 26.06.2020г          |

|    |  |       |            |  |
|----|--|-------|------------|--|
| 60 | Комбинированная машина MAN                     | маш/ч | 177 305,20 | Хива ТИФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.           |
| 61 | Кран манипулятор 4х2 5,3 тн                    | маш/ч |            | Хоразмийкурилиш УК Экс. Зак. №145/1-2020 от 26.03.2020г.   |
| 62 | Кран манипулятор ISUZU FVR                     | маш/ч |            | Хоразмийиндустрия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г. |
| 63 | МАН-KMA 5611 Манипулятор                       | маш/ч |            | Хива ТИФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.           |
| 64 | Кран манипулятор (4х2) 5,3тн                   | маш/ч | 123 467,70 | Урганч ТИФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.           |
| 65 | Кран манипулятор MAN CLA                       | маш/ч |            | Хонка ТИФУК Экс. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.          |
| 66 | Кран манипулятор MAN CLA 16.220                | маш/ч |            | Янгибозор ТИФУК Экс. Зак. №220/1-2020 от 26.03.2020г.      |
| 67 | Трактор ТГ3-80,10                              | маш/ч |            | Шавот ТИФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.          |
| 68 | Трактор TT3-LS Plus 100                        | маш/ч |            | Шавот ТИФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.          |
| 69 | Трактор TL-100                                 | маш/ч |            | Хоразмийиндустрия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г. |
| 70 | Трактор TT3 8010                               | маш/ч |            | Хива ТИФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.           |
| 71 | Трактор МТЗ-80                                 | маш/ч |            | Хива ТИФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.           |
| 72 | Трактор Т-28x4                                 | маш/ч |            | Богот ТИФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.          |
| 73 | Трактор ТТ3-80,10                              | маш/ч |            | Богот ТИФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.          |
| 74 | Трактор ТТ3 80 10 с прицепом                   | маш/ч |            | Гурлан ТИФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.         |
| 75 | Трактор гусеничный Т-4А (Кирковщик)            | маш/ч | 107 709,10 | Янгиарик ТИФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.       |
| 76 | Трактор ТТ3-8010 с прицепом (Каткавоз по 22001 | маш/ч |            | Янгиарик ТИФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.       |
| 77 | Трактор ТТ3-8010                               | маш/ч | 92 754,10  | Хонка ТИФУК Экс. Зак. №112/1-2020 от 13.02.2020г.          |
| 78 | Трактор ТТ3-80 10                              | маш/ч |            | Янгибозор ТИФУК Экс. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.      |
| 79 | Погрузчик XMG FH-50                            | маш/ч |            | Хоразмийиндустрия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г. |
| 80 | Погрузчик К-701                                | маш/ч |            | Богот ТИФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.          |
| 81 | Экскаватор-погрузчик WZ30-25                   | маш/ч | 203 557,10 | Шавот ТИФУК Экс. Зак. №308/1-2020 от 17.03.2020г.          |
| 82 | Экскаватор-погрузчик New Holland               | маш/ч |            | Хоразмийиндустрия УК Экс. Зак. №345/1-2020 от 26.03.2020г. |
| 83 | Экскаватор-погрузчик New Holland               | маш/ч |            | Хоразмийиндустрия УК Экс. Зак. №498/1-2020 от 15.06.2020г. |
| 84 | Фронтальный погрузчик WZ 30-25                 | маш/ч |            | Хива ТИФУК Экс. Зак. №307/1-2020 от 17.03.2020г.           |
| 85 | Экскаватор-погрузчик New Holland B90B          | маш/ч |            | Урганч ТИФУК Экс. Зак. №5/1-2020 от 08.01.2020г.           |
| 86 | Экскаватор-погрузчик JCB 3DX                   | маш/ч |            | Богот ТИФУК Экс. Зак. №117/1-2020 от 14.02.2020г.          |
| 87 | Экскаватор - погрузчик WZ-3025                 | маш/ч |            | Гурлан ТИФУК Экс. Зак. №531/1-2020 от 26.06.2020г.         |
| 88 | Экскаватор-погрузчик JCB 3DX                   | маш/ч |            | Янгиарик ТИФУК Экс. Зак. №162/1-2020 от 26.02.2020г.       |
| 89 | Экскаватор-погрузчик JSB 3DX                   | маш/ч |            | Янгибозор ТИФУК Экс. Зак. №339/1-2020 от 26.03.2020г.      |

#### МАТЕРИАЛЬНЫЕ РЕСУРСЫ

|     |  |    |              |   |
|-----|--|----|--------------|---|
| 90  | АСФАЛЬТОБЕТОННЫЕ СМЕСИ МЕЛКОЗЕРНИСТЫЕ ТИПА "М-2" | т  | 462 563,00   | Хоразмийиндустрия УП Экс. Зак. №73-02-2022 от 23.02.2022г.  |
| 91  | АСФАЛЬТОБЕТОННАЯ СМЕСЬ КРУГЛОЗЕРНИСТАЯ ТИПА "М-  | т  | 485 264,00   |   |
| 92  | БИТУМ ЕИД 60/90                                  | т  | 3.433 518,00 |   |
| 93  | РАСТВОР 1:3                                      | м3 | 672 062,00   |   |
| 94  | РАСТВОР 1:1,6                                    | м3 | 469 285,00   |   |
| 95  | РАСТИВ ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ МАРКА: №-     | м3 | 588 577,00   |   |
| 96  | РАСТИВ ГОТОВЫЙ СЛАДОЧНЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ МАРКА: №-     | м3 | 682 067,00   |   |
| 97  | РАСТИВ ГОТОВЫЙ КЛАДОЧНЫЙ ЦЕМЕНТНЫЙ МАРКА: №-     | м3 | 750 636,00   |   |
| 98  | БЕТОН М-100                                      | м3 | 504 373,00   |   |
| 99  | БЕТОН М-150                                      | м3 | 553 519,00   |   |
| 100 | БЕТОН М-200                                      | м3 | 590 313,00   |   |
